# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 27 апрель, № 82 (6517) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон — Россия:

# СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 25-26 апрель кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.**



25 апрель куни Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг норасмий учрашуви бўлиб ўтди. Президентларнинг самимий ва сермазмун суҳбати узоқ давом этди. Томонлар Ўзбекистон — Россия муносабатлари, жаҳоннинг турли минтақаларида содир бўлаётган воқеалар хусусида атрофлича фикр алмашдилар.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 26 апрель куни Кремлда бўлиб ўтди. Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг учрашувида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, ҳарбий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Ислом Каримов ушбу ташриф ўзаро алоқалар ривожига янги суръат бағишлашини, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳар томонлама фикр алмашиш учун қулай имконият эканини алоҳида таъкидлади.

Владимир Путин Ўзбекистон Россиянинг стратегик ҳамкори ва ишончли иттифоқчиси эканини, бу муносабатлар янада мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида қайд этди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий асосга эга. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома доирасида изчил ривожланиб бормоқда.

Ҳукуматлараро ва идоралараро алоқалар саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларни амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатларимиз БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Президентлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар, жумладан, Афғонистон муаммоси, терроризм, экстремизм, наркотрафик, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашувда Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги доирасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизнинг ташкилот ишини янада фаоллаштириш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Владимир Путин Ўзбекистон томонидан ШҲТнинг июнь ойида Тошкентда бўладиган саммити муҳокамасига киритилиши мўлжалланаётган ташаббусларни Россия томони қўллаб-қувватлашини қайд этди.

Ўзбекистон — Россия муносабатларида савдо-иқтисодий ҳамкорлик асосий ўрин тутади. 2013 — 2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури, 2015 — 2019 йилларда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига оид ҳукуматлараро битимга мувофиқ бу соҳадаги алоқалар изчил тараққий этмоқда.

Россия Ўзбекистоннинг ташқи савдо шериклари орасида иккинчи ўринда туради. Ўзбекистон Россияга транспорт воситалари, пахта толаси, трикотаж, мева-сабзавотлар, қора ва рангли металлар, турли хизматлар экспорт қилади. Россия мамлакатимизга транспорт воситалари, кимё ва қоғоз саноати товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беради.

Ўзбекистонда россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 900 дан ортиқ қўшма корхона фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда Россиянинг 85 фирма ва компанияси ваколатхонаси очилган. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу борадаги кўрсаткич 7,9 фоиз ошган.

Инвестициявий ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. Кейинги йилларда Россиянинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси 6 миллиард доллардан ошган. Ўтган йили бу кўрсаткич 2014 йилдагига нисбатан 40 фоиз ўсган.

Ўзбекистон ҳам, Россия ҳам ёнилғи-энергетика соҳасида улкан салоҳиятга эга. Бу мазкур йўналишдаги ҳамкорлик ривожида муҳим ўрин тутмоқда. Россиянинг “Лукойл” ва “Газпром” нефть-газ компаниялари мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва ўзлаштиришда фаол иштирок этмоқда. Шу йил 19 апрель куни Бухоро вилоятида “Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компанияси билан “Лукойл” компанияси ҳамкорлигида Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши бошланди.

Ўзбекистон автомобиллари Россияда доим харидоргир. “Матиз”, “Нексия” каби машиналаримиз бу ерда бир неча бор йилнинг энг яхши автомобили, деб топилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида ушбу мамлакатда янги бренд остидаги “Ravon Gentra” савдоси 7 фоиз ўсган.

Россияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб юқори. Ўзбекистон бу соҳада улкан салоҳиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 апрелдаги “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада янада кенг имкониятлар яратди.

Музокарада мамлакатимизда етиштирилган мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турини кенгайтиришга келишиб олинди.

Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш, транспорт ва транзит соҳасидаги алоқаларни кенгайтиришга доир масалалар муҳокама қилинди. Мамлакатларимизда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ҳали тўла фойдаланилмаётган имкониятлар кўплиги, уларни ишга солиш икки томон учун ҳам манфаат келтириши таъкидланди.

Томонлар маданият, илм-фан, таълим, спорт ва туризм соҳалари бўйича ўзаро алоқаларни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида маданий-гуманитар, ташқи сиёсат, олий таълим, жисмоний тарбия ва спорт каби қатор соҳаларда ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Ислом Каримов ва Владимир Путин оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар очиқ ва ўзаро ишонч руҳида ўтганини, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилганини таъкидладилар. Бу ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини баҳолаш, кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш имконини берди. Кўриб чиқилган масалалар юзасидан томонларнинг позицияси бир хиллиги ёки яқинлиги қайд этилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Россияга расмий ташрифи якунига етди. Олий даражадаги мулоқотларнинг узвий давоми бўлган ушбу музокараларда мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари ва истиқболлари белгилаб олинди. Бу Ўзбекистон ва Россия халқлари манфаатларига хизмат қилади.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Тошкент — Москва — Тошкент

Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

---

**ЭКСПРЕСС-СЎРОВ**

Ҳамюртларимиз пойтахтимизда ташкил этиладиган ШҲТнинг Тошкент саммитини жорий йилдаги энг асосий сиёсий воқеалардан бири деб ҳисоблайди.

## ШҲТ фаолияти бўйича жамоатчилик фикри

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан “Фуқаролар Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг яқинда бўлиб ўтадиган саммити ҳақида” мавзуида экспресс-сўров уюштирилди. У юртдошларимизнинг мазкур ташкилотнинг 15-мажлиси арафасидаги кайфияти, ШҲТ фаолияти, тадбирга кўрилаётган тайёргарлик хусусидаги фикрларини ўрганиш мақсадида ўтказилди.

Тадқиқотда пойтахтимизда истиқомат қиладиган турли ёш, миллат, касб-ҳунар эгалари ва фаолият вакиллари қатнашди. Маълум бўлдики, респондентларнинг мутлақ катта қисми Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг юбилей мажлисига айнан Тошкент шаҳри мезбонлик қилаётганидан чексиз фахрланади. Сўров давомида улар давлатимиз раҳбари томонидан ШҲТ фаолиятини янада кучайтириш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мазкур тузилма тараққиёти ҳамда нуфузини юксалтиришга қўшаётган ҳиссаси юқори самара бераётганини эътироф этдилар. Иштирокчилар саммитда қабул қилинадиган қарорлар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тарихида муҳим босқични бошлаб бериб, тинчлик, осойишталик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, аъзо давлатларнинг изчил ривожланишини таъминлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Фуқароларнинг 92,1 фоизи айни пайтда ШҲТ дунёдаги энг нуфузли ташкилотлардан бири экани ҳамда унинг обрўси йилдан-йилга юксалаётганини таъкидлаган. Унга аъзо, кузатувчи ёки мулоқот бўйича шерик бўлишни истайдиган мамлакатлар сони ортиб бораётгани ҳам бунинг тасдиғидир.

Сўровдан аён бўлдики, ШҲТ ҳудуди ва дунёда хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлаш ушбу ташкилот фаолиятининг энг устувор йўналишидир. Респондентларнинг айтишича, юқоридаги эзгу мақсадларга эришишда у пухта мувофиқлаштирувчи тузилма саналади.

Бундан ташқари, ташкилот доирасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик, маданий-гуманитар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятда самарадорликка эришилаяпти.

**(Давоми 2-бетда).**

---

## «Янада юксак марраларни эгаллаймиз!»

Наманганда мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллигига бағишлаб “Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?” мавзуида ўтказилган тарғибот тадбирларида ёшлар ўз фикрларини ана шундай изҳор қилдилар.

**КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган тадбирларда таниқли санъаткорлар, шоир ҳамда ёзувчилар, олимлар, иқтидорли ўғил-қизлар қатнашди. Мазкур акция доирасида навқирон авлодни юртга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни турли салбий ғоялар, зарарли иллатлар таъсиридан ишончли ҳимоя қилишга йўналтирилган учрашувлар ўтказилди. Ўзаро мулоқотлар чоғида Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг комил инсонлар бўлиб вояга етишлари йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди. Тарғибот гуруҳи аъзолари юртимизда мустақилликкача бўлган давр ҳамда истиқлол йилларида юз бераётган улкан ўзгаришлар хусусида сўз юритдилар. Ҳар бир таълим муассасасида ҳудудлар тараққиётини акс эттирувчи суратлар кўргазмаси уюштирилди. Тадбирлар чоғида ўқувчиларнинг фан, спорт, ахборот технологиялари каби турли соҳаларда қўлга киритаётган муваффақиятлари эътироф этилди.

**(Давоми 2-бетда).**

---

**9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ**

Кексаларга иззат-икром кўрсатиш халқимизга хос эзгу қадриятлардан бири бўлиб, улуғ мақсадлар йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни уларнинг маслаҳати ва дуолари билан бошлаймиз, нуронийларимизнинг бой ҳаётий тажрибаларига таянамиз. Мана шу азалий анъана, олижаноб фазилат бугун давлатимиз сиёсатида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

## Фахрийлар доимо эъзоз ва эҳтиромда

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эгалиги, ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур экани белгилаб қўйилган. Мазкур конституциявий норма асосида кекса авлод вакилларига нисбатан эътиборни кучайтириш, уларнинг турмуш даражасини юксалтириш, пенсия таъминоти ҳамда ижтимоий кўмак бериш тизимини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий базаси яратилгани, аниқ манзилли дастурларнинг амалиётга изчил татбиқ этилаётгани аҳолининг ушбу қатлам вакиллари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлаяпти.

Хусусан, ўтган йили Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ва фронт ортида хизмат қилган 61 минг нафардан ортиқ фахрийларимизга коммунал хизматлар бўйича 3 миллиард 900 миллион сўм миқдоридаги компенсация пуллари тўлаб берилди. Юртимизнинг барча ҳудудида “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида ташкил этилган тадбирлар давомида 215 минг нафардан зиёд отахону онахонларимиз тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларнинг саломатлигини тиклашга кўмаклашилди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 13 октябрда имзоланган “1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бугунги тинч ва фаровон ҳаётни барпо этишга ўз ҳиссасини қўшган кексаларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришда дастуриламал бўлмоқда. Ушбу ҳужжат асосида 50 мингдан ортиқ уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, пенсионер ҳамда ногиронлар санаторийларда бепул даволаниш имкониятига эга бўлди. Уларнинг 7 минг нафарига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилди.

**(Давоми 2-бетда).**

# ШҲТ фаолияти бўйича жамоатчилик фикри

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Юртдошларимиз саммитда иштирок этиш учун диёримизга келадиган меҳмонларни муносиб кутиб олишни жуда муҳим деб ҳисоблайди. Уларнинг ишонч билдиришича, тадбир ШҲТга аъзо давлатларнинг янада фаровонлашиши ва гуллаб-яшнашига, ўз навбатида, юбилей учрашув Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада ошириш, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янги поғонага олиб чиқишига хизмат қилади.

Сўровда қатнашганларнинг таъкидлашича, Тошкент саммити йилнинг энг асосий сиёсий воқеаларидан бири бўлади. Шунга кўра, аҳоли пойтахтимизда рўй бераётган янгиланишларни ижобий баҳоламоқда. Уларнинг 81,4 фоизи замонавий биноларнинг бунёд этилиши, кўчалар, тураржой массивлари қиёфасидаги ўзгаришлар, кўкаламзорлаштириш жараёнини алоҳида эътироф этган. Респондентларнинг фикрича, бўлажак форумга қўрилаётган тайёргарлик ишлари фаол, юқори суръатларда олиб борилаяпти.

Ватандошларимиз ҳурматли меҳмонларни қарши олишидан жуда мамнун эканликларини билдирган. Уларнинг айтишича, тадбир ташкилотчилигининг юксак даражаси, ўзбекистонликларнинг меҳмондўстлиги, Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари ва замонавий қиёфаси меҳмонларга унутилмас таассуротлар бағишлайди.

Экспресс-сўров фуқароларимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари кенгашининг пойтахтимизда бўладиган навбатдаги мажлисига нисбатан қизиқиши юқори эканини яна бир бор намоён этди. Улар мустақил юртимиз тарихи зарварақларида ёрқин из қолдирадиган мазкур саммитга қўрилаётган кенг кўламли тадорикни катта эътибор билан кузатиб бораяпти. Респондентлар саммитни ўтказиш ва ШҲТ таркибига кирган мамлакатлардаги фуқароларни ташвишга солаётган энг долзарб муаммоларни бартараф этиш йўллари ҳамда усулларини топиш борасида давлат раҳбарларига муваффақиятлар тилади. Улар режалаштирилган учрашувлар хайрихоҳлик ва ўзаро тушуниш руҳида ўтишига ишонч билдирди.

Сўровда Юртбошимиз олиб бораётган, халқаро ҳамкорлик муносабатларини, жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотидек нуфузли тузилма доирасида ҳам ривожлантиришга йўналтирилган ташқи сиёсат фуқаролар томонидан юқори даражада қўллаб-қувватланаётгани яна бир бор ўз ифодасини топди. Бинобарин, навбатдаги саммит тинчлик ҳамда барқарорлик номи ила дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга, аъзо мамлакатларнинг янада тараққий этишига катта туртки бериши билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

**«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида Саиджон МАХСУМОВ тайёрлади.**

# Фахрийлар доимо эъзоз ва эҳтиромда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, юртимизда байрамлар арафасида нуронийлар ҳолидан хабар олиниб, моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатиш анъанага айланган. Жумладан, ҳар йили 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Президентимиз Фармонига мувофиқ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари ҳамда қимматбаҳо совғалар тантанали равишда топширилади, улар иштирокида кенг жамоатчилик ўртасида одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган турли тадбирлар ташкил этилади. Шунинг ўзиёқ инсон шаънини, қадр-қимматини улуғлаш жамиятимизнинг барча соҳасини модернизация қилиш ҳамда янгилаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб негизи эканидан далолат беради.

Дарҳақиқат, уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган, оғир йилларда чинакам жасорат кўрсатган, Ватан, келажак авлод олдидаги бурчини матонат билан адо этган фахрийларга бўлган эътибор йилдан-йилга ортиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ана шу юксак эътиборнинг яна бир намунасидир.

Фармонда 9 майда умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабага бебаҳо ҳисса қўшган фахрийларимизни муносиб равишда ҳамда иззат-икром билан шарафлаш вазифалари белгиланган.

Айни пайтда ушбу ҳужжат доирасидаги ишларга қизғин киришилган. Жойларда уч авлод учрашувларини юқори савияда ташкиллаштириш, шу орқали аҳоли, айниқса, ёшлар қалбида ватанпарварлик ҳиссини мустаҳкамлаш, уларни тараққиёт пойдевори ҳисобланган тинчликни қадрлаб, дунёда кузатилаётган таҳликали вазиятда янада ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашга ундаш саъй-ҳаракатлари олиб борилмоқда. Бу жараёнда парламентимиз аъзолари ҳам ташаббускорлик ҳамда фаоллик кўрсатаётганини қайд этиш лозим.

Навқирон ёшлиги оғир йилларга тўғри келган, умр йўли чинакам ибрат мактаби бўлган уруш ва меҳнат фахрийларининг оғирини енгил, умрини узоқ қилиш мақсадидаги хайрли ишлар бирбирига уланмоқда. Зеро, бугунги тинч ҳамда обод ҳаётимизни барпо этишга беқиёс хизматлари синган, хонадонларимизнинг файзи бўлган мўътабар кексаларимизнинг фаровон ва муносиб умр кечиришлари учун кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

**З. НИЗАМХОДЖАЕВ, Олий Мажлис Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг раиси.**

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади



# Электрон тижорат — ривожланиш омили

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида электрон тижорат соҳасида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Парламент қуйи палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда соҳанинг қонунчилик базаси, ваколатли давлат органининг фаолияти, электрон тўловларни амалга ошириш тизими, электрон тижоратда технологик ҳамда телекоммуникация инфратузилмасини такомиллаштириш ҳолати ва истиқболлари хусусида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, электрон тижоратни ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Электрон тўловлар тўғрисида"ги, "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги қонунлари бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. 2015 йилда янги таҳрирда қабул қилинган "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонун соҳа тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиши билан бирга, маҳаллий хўжалик субъектларининг самарали фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид тизимли ишларнинг такомиллашувига олиб келди.

Ҳукумат қарорига асосан, 2016 — 2018 йилларда Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Унда белгиланган устувор вазифалар электрон тижорат инфратузилмасини янада кенг тараққий эттиришга хизмат қилиши билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Семинарда сўзга чиққанлар мамлакатимизда тизимли ва тадрижий давлат сиёсати олиб борилаётгани натижасида давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари, жисмоний шахслар ҳамда тижорат банклари ўртасида тезкор алоқа ўрнатилгани, масофавий бошқарув орқали банк ҳисоб рақамларини бошқариш, замонавий электрон иловалар ва тўловларни амалга ошириш имкониятини берувчи янги ахборот технологияларини кенг жорий қилинганини эътироф этдилар.

Айниқса, ахборот-коммуникация технологияларининг иқтисодиёт соҳасига татбиқ қилиниши ишлаб чиқарувчи ҳамда истеъмолчи ўртасида товар ва хизмат кўрсатишдаги алоқаларнинг янги ривожланиш босқичини бошлаб берди. Айни пайтда Ўзбекистонда электрон тижоратни хўжалик технология жараёнларига фаол жорий этиш ҳамда ундан самарали фойдаланиш, мижозларга интернет глобал тармоғи ва мобиль алоқа воситалари орқали интерактив хизмат кўрсатишга қаратилган чора-тадбирлар тизимли равишда амалга оширилмоқда. Хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, кичик бизнес вакиллари ҳамда тадбиркорларнинг ўз фаолиятида электрон тўлов ва электрон тижоратни қўллаши уларнинг миллий иқтисодиётда юқори кўрсаткичларга эришишлари учун хизмат қилаётир.

Тадбирда Иқтисодиёт, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари, Марказий банк, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси масъул ходимларининг ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахборотлари тингланди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# «Янада юксак марраларни эгаллаймиз!»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Масалан, биргина спорт йўналишида ўтган йили вилоят вакиллари республика, халқаро миқёсдаги мусобақалар, Осиё ва жаҳон чемпионатларида 455 та олтин, 446 та кумуш, 630 та бронза медални қўлга киритиб, юксак салоҳиятларини намойиш қилдилар.

Наманган шаҳридаги 15-умумтаълим мактаби ўқувчилари пойтахтдан келган меҳмонларни истиқлол йилларида эришилган мислсиз натижалар акс эттирилган фотосуратлар, тасвирий ва амалий санъат асарлари кўргазмаси билан қарши олишди.

— Шундай озод ва обод юрт фарзанди эканимдан чексиз фахрланаман, — дейди ушбу мактабнинг 8-синф ўқувчиси Жаҳонгир Турсунбоев. — Ўз навбатида, мамлакатимизда биз, ёшларнинг билим олиш, касб-ҳунар эгаллашимиз учун яратилган беқиёс шарт-шароитларга муносиб жавоб беришимиз зарурлигини ҳар қадамда ҳис қилиб турамиз. Мана, бугунги тадбир иштирокчиларига ўзим ясаган кўп қаватли уйлар макетини кўрсатдим. Улардан илиқ фикрлар эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Умуман, ушбу анжуман бизда катта таассурот қолдирди.

Наманган муҳандислик-педагогика институтида ўтказилган тадбирда олий ўқув муассасаси фаолияти, талабалар эришган марралар ҳақида фикр юритилди. Мазкур таълим даргоҳида таҳсил олган, бугунги кунда давлат ва жамият ривожига муносиб ҳисса қўшаётган мутахассислар, шунингдек, юрт осойишталиги йўлида хизмат қилаётган ҳарбийларнинг суратлари, ҳаёт йўли ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган "Ибратли йўл" номли кўргазма уюштирилди.

Таълим муассасаларида, шунингдек, ёшларни ҳушёрлик ва огоҳликка чорловчи қисқа метражли фильмлар намойиш этилди.

Учрашувда пойтахтдан таниқли санъаткорлар ҳамда ҳаваскор ёшлар ижросидаги куй-қўшиқлар ва рақслар акция қатнашчиларига байрамона кайфият бағишлади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ФАРМОН ВА ИЖРО

*Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётдаги ўрни тобора мустаҳкамланмоқда. Бунда соҳа вакилларига берилаётган имконият ҳамда имтиёзлар кўлами тобора кенгайиб бораётгани, айниқса, муҳим омил бўлаяпти.*

# Кичик бизнес ва тадбиркорлик равнақида муҳим босқич

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ушбу йўналишдаги ислоҳотларни янги босқичга кўтарди. Чунки бу ҳужжатда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни сифат жиҳатидан тараққий эттириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилдики, унинг самараси амалда кўзга яққол ташланмоқда. Жумладан, айни пайтда Қорақалпоғистон Республикасида 9642 та кичик бизнес субъекти фаолият юритаётган бўлса, шундан 1146 таси ўтган йилнинг ўзида ташкил этилди.

Гап Оролбўйида ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ҳақида борар экан, албатта, Нукус шаҳрида бу борада олиб борилаётган ибратли ишларга алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Негаки, 2013 — 2015 йилларда шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурига мувофиқ, фақат ўтган йилнинг ўзида қиймати 20,4 миллиард сўмликка тенг бўлган 171 лойиҳа рўёбга чиқарилиб, 1747 та иш ўрни яратилди.



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Шу шаҳардаги "Строй вектор" масъулияти чекланган жамияти қошида фаолият бошлаган "Пана милк" корхонаси — шулардан бири. Хорижнинг замонавий илғор технологик ускуналари билан жиҳозланган мазкур корхонада 54 хил сут маҳсулоти тайёрланиб, ички бозорга пешма-пеш етказиб берилмоқда.

Корхона иш бошқарувчиси Тимур Панаевнинг айтишича, айни пайтда истеъмолчиларга ойига 100 миллион сўмлик ана шундай маҳсулот тақдим этилаяпти.

— Нукус қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежини битирганман,— дейди корхона лабораторияси ходими Фарида Сейдабуллаева. — Ўқиш давомида олган билимим иш жараёнида асқатмоқда. Касбим ўзимга ёқади. Қолаверса, ҳам оиламга, ҳам жамиятга фойдам тегаётганидан мамнунман.

Корхонада Фарида каби 20 нафар йигит-қиз меҳнат қилаяпти. Улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар эса харидорларга манзур. Юртимизда бу каби эзгу мақсад йўлида фаолият юритаётган тадбиркорлар сафи янада кенгайиши, шубҳасиз. Чунки бунинг учун шарт-шароит ва ҳуқуқий асослар етарлидир.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Қурилиш материаллари кўпаймоқда

## ИНТИЛИШ

Шўрчи туманидаги "Цемент металл савдо" масъулияти чекланган жамияти қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Яқинда бу ерда 180 миллион сўм сармоя эвазига томёпкич тайёрлашга мўлжалланган янги лойиҳа амалга оширилди.

— Ҳозир ушбу турдаги маҳсулотимизга бунёдкорлик жамоаларидан кўплаб буюртмалар келиб тушмоқда, — дейди жамият раҳбари Абдуҳаким Муродов. — Кунига 100 квадрат метрга яқин қурилиш ашёси ишлаб чиқараяпмиз.

Умуман, вилоятда жорий йилнинг дастлабки чорагида қурилиш саноатига доир 24 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб, 210 кишининг бандлиги таъминланди.

**Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Инновацион технологиялар аҳамияти

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида "Ишлаб чиқариш корхоналарининг энергия тежамкорлиги ва энергия самарадорлиги муаммоларини ечишда инновацион технологияларнинг аҳамияти" мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

## ФАН ВА АМАЛИЁТ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда бир қатор олий ўқув юртлари тадқиқотчилари, ёш мутахассислар, шунингдек, вилоятдаги йирик корхоналар вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда саноат тармоқларига янги технологияларни жорий қилишда энергия сарфини камайтиришга доир долзарб масалалар хусусида сўз юритилди.

Унда таъкидланганидек, мамлакатимизда илмий изланишлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бунда Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори дастуриламал вазифасини ўтаётир.

Анжуманда олимлар корхоналарда ресурсларни тежашга оид мавжуд муаммолар ечимини топиш, уларни илмий жиҳатдан асослаш, иқтисодиёт тармоқларида энергия самарадорлигини оширишга қаратилган илмий ишланмаларини тақдим этдилар.

Тадбир доирасида Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти Иссиқлик энергетикаси кафедраси қошида ташкил қилинган "Энергия тежамкорлиги ва қайта тикланувчи энергия манбалари" илмий-ўқув лабораториясининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Иқтисодий алоқалар истиқболлари

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

## КОНФЕРЕНЦИЯ

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамда Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, Хитойнинг Шанхай ҳамда Синьцзян аграр университетлари, шунингдек, юртимиздаги олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари профессор-ўқитувчилари, икки давлат ишбилармонлари ҳамкорлигида ишга туширилган қўшма корхоналар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Айтиш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги алоқалар стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатдорлик ҳамда тенгликка асосланган кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш йўлида жадал ривожланмоқда. Масалан, 2007 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 904 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилга келиб, 5 баробар ортди, яъни қарийб 5 млрд. АҚШ долларига етди.

Хитой юртимиз иқтисодиётига энг кўп инвестиция киритаётган давлатлардан биридир. 7 млрд. АҚШ долларидан зиёд тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилгани, ушбу сармоя эвазига йирик қўшма лойиҳалар жорий этилаётгани ана шунинг далолатидир.

— Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатлар йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораяпти, — дейди ТДИУ илмий тадқиқот ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи, иқтисод фанлари доктори, профессор Норбой Каримов. — Ушбу мамлакат билан алоқаларимиз нафақат иқтисодий, балки таълим йўналишида ҳам тобора кенгаймоқда. Хитойнинг Пекин марказий университетида ўзбек тилининг ўқитилиши йўлга қўйилгани ёки Тошкент давлат шарқшунослик институти таркибида хитойшунослик факультетининг очилгани бунинг тасдиғидир. Қолаверса, анжуман доирасида университетимиз қошида Хитойнинг Синьцзян аграр университети билан ҳамкорликда Ўзбек — Хитой ўқув-илмий тадқиқотлар маркази очилдики, бу келгусида иқтисодий соҳадаги олимлар ҳамкорлигини йўлга қўйиш, ёш тадқиқотчиларни тайёрлаш ва биргаликда илмий тадқиқот ишларини олиб боришга пухта замин яратади.

Қайд этилганидек, республикамизда Хитой капитали иштирокида фаолият юритаётган корхоналар сони 630 тага етгани ҳам мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг ёрқин ифодасидир.

— Юртимизда чет эллик ишбилармонлар учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди "Huawei Tech Investment Tashkent" корхонаси раҳбари Ван Пэн. — Мобиль алоқа, компьютер, электроника воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган компаниямиз ҳам ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, бу ерда 16 йилдан буён самарали фаолият юритмоқда. Айни пайтда тайёрланаётган барча турдаги маҳсулотларимиз ўзбек халқига манзур бўлаётганидан мамнунмиз. Эндиликда мамлакатингиз таълим соҳасига ҳам янги инновацион ғоя ва ишланмаларни олиб киришни мақсад қилганмиз.

Шуъба йиғилишларида "Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларнинг замонавий ҳолати" ҳамда "Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг иқтисодий ривожланишида эркин иқтисодий зоналарнинг роли ва аҳамияти" мавзуларида маърузалар тингланиб, муҳокама қилинди. Шунингдек, "UZTE", "Kerui Group", "Peng Sheng" ва бошқа корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган мобиль алоқа воситалари, компьютер, электрон ускуналар, замонавий технологиялар, қурилиш материаллари, тўқимачилик маҳсулотларининг намойиши этилди.

Конференция якунида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ.**

TURKISTON BANK

# «ТУРКИСТОН»

хусусий акциядорлик тижорат банки

**ўз акцияларининг навбатдаги XIII эмиссиясини эълон қилади.**

**«Туркистон» хусусий акциядорлик тижорат банки 2016 йил 18 апрелда навбатдаги XIII эмиссиясида белгиланган тартибда эълон қилинган 5 000 000 000 сўмлик акцияларини хорижий инвесторларга таклиф қилади.**

**«Туркистон» банки XIII эмиссияси акцияларини жойлаштириш тартиби ҳамда шартлари бўйича қисқача маълумот.**

| | |
|---|---|
| Давлат томонидан рўйхатдан ўтказилиши | Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази (рўйхатга олиш рақами № Р0064-13, 2016 йил 18 апрель) |
| Навбатдаги XIII эмиссиясининг умумий ҳажми | 5 000 000 000,00 (беш миллиард) сўм |
| Бир дона акциянинг номинал қиймати | 1 000,00 (бир минг) сўм |
| Чиқарилган акциялар сони | 5 000 000 (беш миллион) дона |
| Акция тури ва шакли | Эгасининг номи ёзилган оддий акциялар |
| Акцияларни жойлаштириш тартиби | Хорижий жисмоний ва юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида очиқ обуна асосида амалга оширилади |
| Жойлаштириш усули | Бозор қийматида, номинал қийматидан паст бўлмаган қийматда |
| «Туркистон» банки XIII эмиссияси акцияларини жойлаштириш тартиби ҳамда шартлари бўйича тўлиқ маълумотлар | 1. «Туркистон» банкининг сайтида — www.turkistonbank.uz<br>2. «Биржа» иқтисодий газетасида ва сайтида — www.gazetabirja.uz<br>3. Республика фонд биржаси сайтида — www.uzse.uz |

**«Эмиссия рисоласи» билан тўлиқ танишиш ва мазкур масалада сизни қизиқтирган барча саволга жавоб олиш учун қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишингиз мумкин:**
**100208, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Заргарлик кўчаси, 48-«А» уй.**
**Телефонлар: (+99871) 113-44-05. Факс: (+99871) 276-14-52.**
**E-mail: info@hd.turkistonbank.uz**

**Сизни банкимиз акциядорлари сафида кўришдан хурсандмиз!**

Хизматлар лицензияланган.

647A/301

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

*очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.*

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2016 йил 2 июнь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Сўх тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2016 йил 29 январдаги 15-1509/25777-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**1.** Сўх тумани, «Сўх» ҚФЙ, «Чашма» МФЙ, Зангат массивида жойлашган, 0001 — 0004-литерлардаги маъмурий бино (148,5 кв.м.), омборхона (319,5 кв.м.), бостирма (навес) (270 кв.м.), дарвоза ва девор.

***Бошланғич нархи — 54 160 000 сўм.***

**2.** Сўх тумани, «Соҳибкор» ҚФЙ, «Тул» МФЙда жойлашган, 0001 — 0004-литерлардаги маъмурий бино (576 кв.м.), омборхона (1215 кв.м.), бостирма (315,2 кв.м.) ҳамда бетон майдони.

***Бошланғич баҳоси — 195 840 000 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 31 май куни соат 17.00 да тўхтатилади.

2016 йил 17 май куни соат 14.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такроран қўйилмоқда:

**I.** Фарғона шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 2015 йил 14 июлдаги 1-687/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, «24-сонли Шакар» МФЙ, Широқ кўчаси, 61-уйда жойлашган, ер майдони 800 кв.м., қурилиш ости майдони 373 кв.м., фойдаланиш майдони 288,58 кв.м. бўлган, 0001 — 0014-литерлардаги қурилиши тугалланмаган тураржой.

***Бошланғич баҳоси — 254 120 796 сўм.***

**II.** Фарғона шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Фарғона шаҳар судининг 2014 йил 22 июлдаги 1-666/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

**1.** Фарғона шаҳри, «2-Ўрмончилар» МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 350-«А» уйда жойлашган, ер майдони 3999,72 кв.м. бўлган оҳак ишлаб чиқариш цехи ҳамда ёрдамчи иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 140 185 232 сўм.***

**2.** Қувасой шаҳри, Алишер Навоий номидаги МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 579,87 кв.м., фойдаланиш майдони 852,32 кв.м. бўлган, 0001, 0002-литерлардаги икки қаватли маъмурий бино ва иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 272 308 682 сўм.***

**3.** Данғара тумани СИБ томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2015 йил 24 апрелдаги 2-17/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Данғара тумани, «Найманча» ҚФЙ, Янги-1 қишлоғи, 125-уйда жойлашган, ер майдони 1734,19 кв.м., қурилиш ости майдони 360,68 кв.м., фойдаланиш майдони 193,70 кв.м. бўлган, 0001 — 0008-литерлардаги 125-сонли тураржой.

***Бошланғич баҳоси — 146 048 867 сўм.***

**4.** Фарғона шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик судининг 2015 йил 2 сентябрдаги 15-1509/16119-сонли ва бошқа ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, «2-Ўрмончилар» МФЙ, Ўрмончилар кўчаси, 29-уйда жойлашган, ер майдони 52585,10 кв.м., қурилиш ости майдони 39166,52 кв.м., фойдаланиш майдони 3507,06 кв.м. бўлган, 0001 — 0026-литерлардаги ишлаб чиқариш базаси.

***Бошланғич баҳоси — 1 897 875 414 сўм.***

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 13 май куни соат 17.00 да тўхтатилади. Кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 58-уй, 1-қават.**
**Телефонлар: (+99873) 244-60-09, (+99890) 231-38-59.**

Хизматлар лицензияланган.

664R/74

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

*очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

«Capital realtor group» МЧЖда 2016 йил 17 май куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан 2012 йил 30 июндаги 10-1204/12309-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 3-мавзе, «Сергели деҳқон бозори» ҳудудида жойлашган, умумий майдони 510 кв.м. бўлган дўкон ва қаҳвахона ҳамда умумий майдони 106 кв.м. бўлган, 2 қаватли, ноқонуний қурилма такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 095 773 000 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил:**
**Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.**
**Телефон: (0-371) 250-19-24.**

Хизматлар лицензияланган.

658a/74




***Вазирликлар, қўмиталар, идоралар, ўқув ҳамда илмий муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, хорижий, қўшма ва кичик корхоналар, фирмалар ҳамда тадбиркорлар диққатига!***

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси**

***2016 йил 30 апрель куни соат 9.00 да Тошкент давлат иқтисодиёт университети ИҚТИСОДИЁТДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИнинг 2015/2016 ўқув йили битирувчилари учун***

# ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

***тадбирини ўтказади.***

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ИҚТИСОДИЁТДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИни 2015/2016 ўқув йилида қуйидаги таълим йўналишлари бўйича талабалар битирадилар:

— **5111000 — касб таълими (информатика ва ахборот технологиялари);**
— **5330200 — информатика ва ахборот технологиялари;**
— **5231400 — статистика.**

**Мазкур тадбирнинг мақсади қуйидагилардан иборат:**

✓ битирувчиларни иш берувчилар томонидан таклиф этилаётган бўш иш ўринлари билан таништириш, шунингдек, уларга меҳнат бозори, мутахассисларга эҳтиёжи бор корхона ва ташкилотларда ишга жойлашиш имкониятлари, мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисида тўлиқ маълумот бериш;
✓ битирувчиларнинг махсус, касбий ва малакавий билимлари ҳамда қобилиятлари тўғрисидаги маълумотларни иш берувчиларга тақдим этиш;
✓ иш берувчи корхона ва ташкилотлар билан университет ўртасида интеграцион алоқалар ўрнатиш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишларини муҳокама қилиш, битирувчиларни касбга йўналтириш, ишга тақсимлаш ва жойлаштириш бўйича шартномалар тузиш;
✓ иш берувчи корхона ҳамда ташкилотларда битирувчиларнинг малакавий амалиёт, стажировкаларини ўтказиш масалаларини муҳокама этиш.

***Тадбир ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй, 1-ўқув биноси.***
***Маълумот учун маркетинг бўлими телефони: (+99871) 239-28-77.***

580A/266

## «Universal realtor» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод тумани судининг 2014 йил 24 мартдаги 1-12/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Примқулов кўчасида жойлашган, ер майдони 41055,95 кв.м., қурилиш ости майдони 9773 кв.м., фойдаланиш майдони 10989,83 кв.м. бўлган 20 та асосий бино-иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 4 160 121 449 сўм.***

Шунингдек, юқоридаги бино-иншоотларда жойлашган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда:

* Металл чўзадиган дастгоҳ (волочильный стан) 2 (RBD) 8 мм.дан 1 мм.гача.

***Бошланғич баҳоси — 533 382 277 сўм.***

* Металл чўзадиган дастгоҳ (волочильный стан 1 Rolling mashine) 16 мм.дан 8 мм.гача.

***Бошланғич баҳоси — 1 159 894 790 сўм.***

* Экструдер (Extrudion va-chine) QLVG-650 №0110/1500N/1-8 мм.

***Бошланғич баҳоси — 444 485 231 сўм.***

* Индукцион типдаги мисни эритувчи «Upward Custing» русумли печка.

***Бошланғич баҳоси — 880 504 075 сўм.***

* «Zwich ROeliZ020 resistomat 2316 Burster тип 2316 V0001» русумли электр ускунаси.

***Бошланғич баҳоси — 115 566 160 сўм.***

* «Disel Generator AKSA model APD 550C» русумли дизель генератори.

***Бошланғич баҳоси — 125 388 860 сўм.***

***Изоҳ:*** кўчмас мулк объекти ва мол-мулклар мажмуа сифатида сотилади.

Аукцион савдоси 2016 йил 13 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Аризалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 12 май куни соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолаганидан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal realtor» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104975228001, МФО: 00445, СТИР: 302269399. Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Қўшимча маълумот олиш манзили:**
**«Universal realtor» МЧЖ, 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 150-35-55.**
**E-mail: universal.realtor@mail.ru**

Хизматлар лицензияланган.

670R/609




## «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

2016 йил 13 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2015 йил 21 сентябрдаги 11-1432/5981-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Каҳҳор кўчаси, 2-уйда жойлашган, 0001-литердаги (блок А) қурилиши тугалланмаган бино (6-қаватдан 16-қаватгача), ҳар бир қаватда 4 тадан хонадон, жами 33 та хонадон, яъни 6-қаватда шартли белгиланган 13 ва 15-хонадон, 7-қаватда шартли белгиланган 20-хонадон, 8-қаватда шартли белгиланган 22, 23 ва 24-хонадон, 9-қаватда шартли белгиланган 27 ва 28-хонадон, 10-қаватда шартли белгиланган 31 ва 32-хонадон, 11-қаватда шартли белгиланган 33, 35 ва 36-хонадон, 12, 13, 14, 15 ва 16-қаватлардаги шартли белгиланган барча хонадон.

***Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 98 627 375 сўм.***

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ҳамда савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universalbank» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904936050003, МФО: 00996, СТИР: 207125885.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.**
**Телефон: (0-371) 233-09-38. Ички телефон: 258.**

Хизматлар лицензияланган.

662R/308

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Телерадиодастурларни мониторинг ва таҳлил қилиш бўлими бош мутахассиси Миртўйчи Агзамовга онаси

**Лутфи ая АГЗАМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзвиносаноат-холдинг” холдинг компанияси жамоаси бошқарма бошлиғи Адолат Комилжоновна Востриковага отаси

**Комилжон ЙЎЛДОШЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Баркамол авлод — келажак пойдевори

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида республика ва халқаро миқёсда турли соҳаларда муваффақиятларга эришаётган иқтидорли ёшлар фаолиятини акс эттирувчи “Баркамол авлод — келажак пойдевори” деб номланган фотокўргазма очилди.

## ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси ташаббуси билан Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида уюштирилган мазкур тадбирда фан, таълим, маданият ҳамда санъат йўналишларида юксак натижаларга эришган истеъдодли талабалар, санъат ва маданият намояндалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси раиси И. Латипов, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раиси Б. Ғаниев ҳамда бошқалар юртимиз тараққиёти, унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринга эга бўлиб бориши кўп жиҳатдан бугун камолга етаётган ёшларнинг ақл-заковати, билим-тафаккури ва ғайрат-шижоатига боғлиқ эканлигини, шу маънода, мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ навқирон авлод тарбиясига энг устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратиб келинаётганини алоҳида таъкидлашди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”, “Таълим тўғрисида”ги қонунлари, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бу борада мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётир.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эса ушбу жабҳадаги саъй-ҳаракатларни янги босқичга олиб чиқишда алоҳида ўрин тутмоқда.

Кўргазмада бир неча турдаги экспозициялар намойиш этилмоқда. Хусусан, “Ёшлар ва таълим”, “Ёшлар ва маданият”, “Ўзбекистонга хизмат қиламан”, “Ёшлар ҳаёти — ёшлар нигоҳида” каби мавзулардаги фотолавҳалар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотаяпти.

Тадбир доирасида “Камолот”-да меҳмонда” лойиҳаси, “Ватанимга дил изҳори” номли акция, ижодкор ёшларнинг тасвирий ҳамда амалий санъат кўргазмаси, “Ўзбекистон музейларининг 100 та энг сара асари”, Темурийлар тарихи Давлат музейининг “3D саёҳат” тўпламларининг тақдимоти, шунингдек, Ўзбекистон Ёшлар симфоник оркестрининг концерт дастури намойиш этилди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Спорт

Филиппинда таэквондо (WTF) бўйича Осиё чемпионати ўз якунига етди. Унда терма жамоамиз аъзолари биттадан олтин ва кумуш ҳамда иккита бронза медалга сазовор бўлди.

## Қитъа чемпионатидаги муваффақият



Жумладан, Дмитрий Шокин шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Унинг шарафига Ватанимиз байроғи кўтарилиб, Ўзбекистон мадҳияси янгради.

Никита Рафалович иккинчи, Жасур Бойқўзиев ва Нигора Турсунқулова эса учинчи ўринни эгаллади.

## Муросасиз тур

Футбол бўйича Ўзбекистон XXV миллий чемпионати олий лигаси олтинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Эътиборлиси, ўтказилган саккизта баҳснинг бештасида меҳмонларнинг қўли баланд келди ва бирорта ҳам дуранг қайд этилмади.



“Қўқон — 1912” жамоаси ўз майдонида Зарафшоннинг “Қизилқум” клубига йирик ҳисобда (0:3) имкониятни бой берди. “Шўртан” эса Ғузорда Тошкентнинг “Локомотив” клубига енгилди — 0:2. Олмалиқда Наманганнинг “Навбаҳор” жамоаси билан куч синашган “Олмалиқ” футболчилари 2:1 ҳисобида зафар қучишди. “Кончи”лардан голларга Ислом Иномов (2-дақиқа) ва Фарҳод Тожиев (19-дақиқа) муаллифлик қилган бўлса, меҳмонларнинг ягона жавоб тўпини Анвар Ражабов 65-дақиқада рақиб дарвозасига киритди. Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

“Бухоро” (Бухоро) — “Насаф” (Қарши) 0:2, “Машъал” (Муборак) — “Нефтчи” (Фарғона) 1:2, “Обод” (Тошкент) — “Бунёдкор” (Тошкент) 0:4, “Андижон” (Андижон) — “Сўғдиёна” (Жиззах) 3:0, “Пахтакор” (Тошкент) — “Металлург” (Бекобод) 2:1.

Олтинчи турдан сўнг “Локомотив”, “Бунёдкор” ҳамда “Насаф” жамоалари 16 тадан очко тўплаб, етакчилик қилмоқда.

**Саиджон МАХСУМОВ**
**тайёрлади.**

# МАДАНИЯТ хабарлари

Навоий шаҳрида маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фаолиятини янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

## Марказлар фаолияти такомиллаштирилмоқда

Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳамда Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил қилинган ушбу тадбирда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, музейлар, истироҳат боғлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Айтиш жоизки, Президентимиз раҳнамолигида жойларда барпо этилаётган бундай масканлар аҳоли, айниқса, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, улар маънавиятини юксалтириш, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқаришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги қарорига мувофиқ, марказлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу қарор ижроси доирасида вилоятда 13 та маданият ва аҳоли дам олиш маркази фаолияти йўлга қўйилди. 2018 йилгача яна 32 та ана шундай маскан иш бошлайди.

— Муассасамизда халқ оғзаки ижоди, амалий санъат ҳамда бошқа номоддий маданий мерос дурдоналарини ўрганиш бўйича турли тўгараклар ташкил қилинган, — дейди Навбаҳор туманидаги “Бешработ” маданият ва аҳоли дам олиш маркази директори Гулнора Мирзаева. — Мазкур тадбирда тажриба алмашиб, ишимизни янада такомиллаштириш юзасидан турли тавсия ҳамда кўрсатмалар олдик.

Семинар доирасида кўргазма ва учрашувлар ҳам ташкил этилди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Рақс жозибаси

Андижон санъат коллежида замонавий рақс ижрочилари ўртасида ташкил этилган “Ёшлик завқи” республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўтказилган ушбу тадбирда танловнинг туман ҳамда шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 70 нафар ўқувчи замонавий ва эстрада-спорт рақслари йўналишида ўз маҳоратини намойиш қилди.

Якунда замонавий рақс бўйича Жалақудуқ туманининг “Оригинал” гуруҳи ҳамда Асака туманидан “Корен” гуруҳи жуфтлиги, эстрада-спорт рақси йўналишида эса Андижон шаҳридан Мавлуда Ҳасанова ғолиб, деб топилди. Улар танловнинг мамлакат босқичида қатнашади.

**Дилфуза**
**ҚАРШИБОЕВА.**

# Кўркам қиёфа касб этди

Жиззах шаҳридаги “Хотира боғи”да кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Натижа мазкур хиёбон бутунлай янгича қиёфа касб этди. Ушбу эзгу ишлар учун 6 миллиард сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Бу ерда миллий услубдаги иккита айвон бунёд этилди. Улардаги “Хотира китоби”га вилоятнинг барча шаҳару туманидан Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, ҳалок бўлганларнинг исм-шарифлари зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилди.

Шу билан бирга, 4,5 гектарлик “Хотира боғи”га икки минг тупдан зиёд манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 16 АПРЕЛДАН 22 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

### I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил 26 мартдаги 8/7-сон «Тижорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

**2016 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2229-1 (2016 йил 25 апрелдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил 26 мартдаги 8/8-сон «Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2016 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2093-7 (2016 йил 10 июндан кучга киради).**

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил 26 мартдаги 8/9-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2016 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-11 (2016 йил 10 июндан кучга киради).**

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил 26 мартдаги 8/10-сон «Фоизлар ўстирмаслик тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2016 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1304-3 (2016 йил 25 апрелдан кучга кирди).**

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил 26 мартдаги 8/11-сон «Ломбардлар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2016 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1291-6 (2016 йил 10 июндан кучга киради).**

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил 26 мартдаги 8/12-сон «Банкларни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

**2016 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 626-5 (2016 йил 10 июндан кучга киради).**

7. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2016 йил 29 мартдаги 24-сон «Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2016 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1523-2 (2016 йил 25 апрелдан кучга кирди).**

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 1 апрелдаги 01-02/12-12-сон «Товарларни автомобиль транспортида божхона назорати остида етказиш қоидалари, шунингдек уларга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2016 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 875-4 (2016 йил 25 апрелдан кучга кирди).**

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 1 апрелдаги 01-02/12-13-сон «Эркин муомалага чиқариш» божхона режимига мувофиқ шартли чиқариб юборилаётган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2016 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1404-6 (2016 йил 25 апрелдан кучга кирди).**

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Меҳнат вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил 15 апрелдаги 38/кқ, 6/кқ, 4-мҳ-сон «Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, тўлиқ давлат таъминотида бўлмаган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан танлаб олиш ҳамда уларга нафақа тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2016 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2779 (2016 йил 25 апрелдан кучга кирди).**

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 25 мартдаги 19, 2016-13-сон «Солиқ ҳисоботининг шаклларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

**2016 йил 21 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2439-3 (2016 йил 25 апрелдан кучга кирди).**

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлигининг 2016 йил 22 апрелдаги 1-2016, 4-сон «Тошкент давлат юридик университетида ўқитишнинг модуль тизими шароитларида талабалар билимини назорат қилиш тартиби ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2016 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2780 (2016 йил 25 апрелдан кучга кирди).**

### II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган Товарларни автомобиль транспортида божхона назорати остида етказиш қоидалари (рўйхат рақами 875, 2000 йил 19 январь), шунингдек уларга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 875-1, 2004 йил 9 июль), (рўйхат рақами 875-2, 2012 йил 21 сентябрь), (рўйхат рақами 875-3, 2013 йил 25 сентябрь).

**Хабар**

**Адлия вазирининг 2016 йил 18 апрелдаги 89-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Эркин муомалага чиқариш» божхона режимига мувофиқ шартли чиқариб юборилаётган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1404, 2004 йил 9 сентябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1404-1, 2008 йил 17 ноябрь), (рўйхат рақами 1404-2, 2012 йил 27 ноябрь), (рўйхат рақами 1404-3, 2013 йил 6 март), (рўйхат рақами 1404-4, 2013 йил 30 май), (рўйхат рақами 1404-5, 2015 йил 17 август).

**Адлия вазирининг 2016 йил 18 апрелдаги 90-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтказилаётган товарларни ўтказишни ва декларациялашни ҳуқуқий тартибга солиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3, 1993 йил 14 октябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 3-5, 2013 йил 14 февраль);

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган «Вақтинча сақлаш» божхона режими ҳақидаги низом (рўйхат рақами 447, 1998 йил 17 июнь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 447-1, 2012 йил 27 сентябрь), (рўйхат рақами 447-2, 2013 йил 17 сентябрь);

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган Божхона транзит режими тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 577, 1998 йил 23 декабрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 577-1, 2002 йил 10 апрель), (рўйхат рақами 577-2, 2008 йил 21 апрель), (рўйхат рақами 577-3, 2013 йил 11 январь), (рўйхат рақами 577-4, 2013 йил 23 сентябрь);

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган Йўқ қилиш божхона режими тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 584, 1998 йил 30 декабрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 584-1, 2008 йил 27 октябрь);

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган Давлат фойдасига воз кечиш божхона режими тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 695, 1999 йил 8 апрель), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 695-1, 2008 йил 4 ноябрь);

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган Реимпорт божхона режими тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 818, 1999 йил 14 сентябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 818-1, 2015 йил 19 январь);

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 834, 1999 йил 3 ноябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 834-1, 2000 йил 13 январь), (рўйхат рақами 834-2, 2000 йил 3 июль), (рўйхат рақами 834-3, 2001 йил 6 февраль), (рўйхат рақами 834-4, 2001 йил 29 март), (рўйхат рақами 834-5, 2002 йил 27 май), (рўйхат рақами 834-6, 2002 йил 30 июль), (рўйхат рақами 834-7, 2003 йил 1 февраль), (рўйхат рақами 834-8, 2003 йил 20 март), (рўйхат рақами 834-9, 2003 йил 3 июнь), (рўйхат рақами 834-10, 2003 йил 16 июль), (рўйхат рақами 834-11, 2003 йил 15 октябрь), (рўйхат рақами 834-12, 2003 йил 11 декабрь), (рўйхат рақами 834-13, 2007 йил 5 июль), (рўйхат рақами 834-14, 2007 йил 13 сентябрь), (рўйхат рақами 834-15, 2007 йил 26 декабрь), (рўйхат рақами 834-16, 2008 йил 19 февраль), (рўйхат рақами 834-17, 2008 йил 16 апрель), (рўйхат рақами 834-18, 2008 йил 7 июль), (рўйхат рақами 834-19, 2009 йил 14 май), (рўйхат рақами 834-20, 2010 йил 17 февраль), (рўйхат рақами 834-21, 2012 йил 25 январь), (рўйхат рақами 834-22, 2012 йил 17 август), (рўйхат рақами 834-23, 2012 йил 30 декабрь), (рўйхат рақами 834-24, 2013 йил 22 февраль), (рўйхат рақами 834-25, 2014 йил 3 сентябрь), (рўйхат рақами 834-26, 2015 йил 17 август), (рўйхат рақами 834-27, 2015 йил 20 октябрь);

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Божхона юк декларациясининг электрон нусхасини жорий этиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1055, 2001 йил 25 июль), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1055-1, 2011 йил 2 сентябрь);

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Реэкспорт божхона режими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1134, 2002 йил 2 май), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1134-1, 2003 йил 17 ноябрь), (рўйхат рақами 1134-2, 2010 йил 15 июнь);

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Эркин омбор» божхона режими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1309, 2004 йил 9 февраль), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1309-1, 2012 йил 27 сентябрь);

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Бож олинмайдиган савдо дўкони» божхона режими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1317, 2004 йил 27 февраль), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1317-1, 2011 йил 21 январь), (рўйхат рақами 1317-2, 2012 йил 30 январь), (рўйхат рақами 1317-3, 2012 йил 27 сентябрь);

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Божхона омбори» божхона режими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1318, 2004 йил 27 февраль), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1318-1, 2012 йил 27 сентябрь), (рўйхат рақами 1318-2, 2013 йил 27 сентябрь), (рўйхат рақами 1318-3, 2014 йил 14 февраль), (рўйхат рақами 1318-4, 2015 йил 21 май).

**Адлия вазирининг 2016 йил 6 апрелдаги 64-мҳ-сон буйруғи билан 2016 йил 21 апрелда давлат реестридан чиқарилди.**

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтаётган шахсларни кўздан кечириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1307, 2004 йил 2 февраль), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1307-1, 2008 йил 9 апрель), (рўйхат рақами 1307-2, 2010 йил 12 ноябрь), (рўйхат рақами 1307-3, 2013 йил 5 август).

**Адлия вазирининг 2016 йил 12 апрелдаги 78-мҳ-сон буйруғи билан 2016 йил 21 апрелда давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

РЕКЛАМА

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
иссиқлик ўтказмайдиган маҳсулотларнинг янги турини ишлаб чиқаради ва сотади.
Минерал пахта, тикилган матлар, иссиқлик ўтказмайдиган плиталар
Базальт негизида иссиқлик ўтказмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи цехимиз Европа стандартларидаги асбоб-ускуналар ҳамда замонавий технологиялар билан жиҳозланган.



Фойдаланиш соҳалари:
— девор ва том бостирмаларини, биринчи қаватнинг полини иситиш;
— энергия тармоқларининг иссиқлик ҳимояси;
— радиатор батареялари ортига иссиқлик қайтарувчи фольгали экранлар ўрнатиш.



ТЕЛЕФОН: (0-370) 214-16-94.
www.uzbeksteel.uz
Маҳсулотлар сертификатланган.
525А/180

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 467. 116 473 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — А. Султонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.25 Топширилди — 03.05 1 2 3 4 5 6